Ушбу сонда:


2 ИСТИҚЛОЛ—МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

3 ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС

4 *Фанимиз фидойилари* ҚАЛБЛАРГА НУР УЛАШГАН АЛЛОМА



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ: ОЛИЙ БАХТ

UZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 25 апрел, сешанба № 73 (2122)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ЮРТ КЎКСИДАГИ ИФТИХОР

**Амир Темур ордени таъсис этилганига ўн йил тўлди**

***Олий унвон ва мукофотларда ҳар бир мамлакатнинг тарихи, қадриятлари, миллий анъаналари, миллат ифтихорига айланган улуғ зотлар сиймоси акс этади. Мустақиллик йилларида юртимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ана шундай давлат мукофотлари, орден ва медаллари таъсис этилди. Улардан бири Амир Темур орденидир.***

Соҳибқирон нафақат Ватанимиз ва миллий давлатчилигимиз, балки дунё тарихида ўз ўрни, мавқеи ва салоҳиятига эга буюк шахслардандир. Унинг ҳаёти, фаолияти, авлодларига қолдирган бой мероси асрлар оша халқимизнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим дастуриламал бўлиб келмоқда. Буюк бобомиз раҳнамолигида яратилган бетакрор тарихий обидалар, осори атиқалар ҳанузгача темурийларга хос куч-қудрат, бoқийлик тимсоли бўлиб келаётир.

(Давоми 3-бетда)

*Минтақавий ўқув-семинар*

## ТАШКИЛОТ НУФУЗИ

**ҳар бир касаба уюшма аъзосининг бугунги кундаги жўшқин фаолиятига боғлиқ**

***Давр шиддат билан ўзгариб бормоқда. Шунга монанд одамлар онги, тафаккурида ҳам ўзгаришлар, янгиланишлар кўзга ташланмоқда. Айниқса, улардаги ҳаётга бўлган синчков муносабат, ҳар бир воқеа-ҳодисага нисбатан сезгирлик ҳисси бугунги кун кишиларининг ўткир салоҳиятию бой дунёқарашидан далолат бериб турибди.***

Шундай ўзгариш ва янгиланишларга ҳамоҳанг ўз сафларига кўпмиллионли аъзоларни бирлаштирган касаба уюшмаларининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Соҳада юзага келаётган янгиликлар касаба уюшмаларининг янгича иш юритиш механизмларини яратиш, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашлар ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг мақбул, мукаммал тизимини жорий этишдек долзарб ишларни юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойи тармоқда фаол ҳаракат, амалий ишлар даврини бошлаб берди. Унда белгиланган долзарб вазифалар ва қарорлар касаба уюшма ҳар бир аъзоси, фаоли ва етакчисидан фидойилик ва ташаббускорликни тақозо этмоқда. Шундай экан, қўйилаётган талаб ва юксак масъулиятга монанд касаба уюшмаларининг барча бўғинларида бундан буён қилинадиган ишлар нималардан иборат бўлиши зарур? Касаба уюшмалари мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланиши учун нималарга эътибор қаратиш керак? Умуман, IV Қурултой соҳа мутахассисларини қандай ишларга даъват этди? Унинг қарорларини ҳаётга изчил татбиқ этиш учун нималар қилиш керак? Олдинда қандай вазифалар турибди? Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотларининг Урганчда бўлиб ўтган минтақавий семинарида ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Унда бирлашма раҳбарлари, бўлим мудирлари, тармоқ касаба уюшмаларининг иккала ҳудуддаги барча кенгашлари раислари, Марказий Кенгашнинг қуйи бўғинлари вакиллари ва фаоллар иштирок этишди.



(Давоми 3-бетда)

*Бир Фармон шарофати*

## МАҲАЛЛА КАСАНАЧИЛАРИ

**ёки ҳеч ким бекор қолмайди**

***Беруний маҳалласида Усмонжон Олимов деган қадрдоним бор. Кўпни кўрган, ували-жували инсон. Яқинда ишбилармон, ташкилотчи раҳбарлар ҳақида гап кетганда у шундай деди.***

— Маҳалла фуқаролар йиғинларининг жамиятимиздаги аҳамиятини оширишга эътибор берилаётгани яхши бўлди-да. Масалан, бизнинг маҳалламизга Баҳромжон ака Саидов раисликка сайлангач, бу соҳада катта ўзгаришлар юз берди. Кўпгина ижобий ишлар қилинди.

Яқинда Наманган шаҳар ҳокимлигининг йиғилишларидан бирига таклиф қилиб қолишди. У маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятига бағишланганлиги боис менда қизиқиш уйғонди. Бу ерда ҳам маҳалла оқсоқоли Баҳромжон Саидов ҳақида ижобий гаплар эшитиб, хурсанд бўлдим.

— Аввало, маҳалла кўриниши шу бир йил ичидаёқ сезиларли даражада ўзгарди, — деди маърузачи. — Кўчалари ободонлашди, кўплаб кўчатлар ўтказилди. Қаёққа қараманг, озодалик ҳукмрон. Ишсизликка барҳам бериш ва янги иш ўринларини яратиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларни таъкидлаш жоиз. Бу борада касаначиликни ривожлантириш бўйича ҳаракатга катта эътибор берилаётганлиги нур устига аъло нур бўлмоқда. Ана шу ҳужжатга биноан ишлаб чиқариш корхоналари буюртмалари асосида банд бўлмаган аҳоли, хусусан, хотин-қизлар, кўп болали оналар, ногиронлар ва ўзига муносиб иш топишга қийналаётган кишилар касаначиликка тортилмоқда.

Бу гаплар бизда қизиқиш уйғотди ва фурсат топиб номи тилга олинган ана шу маҳаллага қараб йўл олдик.

Маҳалла оқсоқоли Баҳромжон ака Саидов кўпни кўрган, ҳаёт сўқмоқларидан ўнқир-чўнқирларни босиб ўтган, турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган киши экан.

— Мустақилликдан сўнг маҳаллага аҳамият берилаётгани кўп яхши иш бўлди, — шади. Бу ерда бугунги кунда 1062 хонадон мавжуд бўлиб, 6256 киши истиқомат қилади. Турган гапки, уларнинг асосий қисми, давлат ташкилот ва корхоналарида, хусусий тармоқларда меҳнат қилишади. Лекин ҳаммасини тўла-тўкис иш билан таъмин этилган, деб айтишга ҳали фурсат эрта. Шу боис оқсоқолнинг асосий эътибори ана шундай фуқароларни меҳнатга жалб этишга қаратилган.

— Президентимиз Фармонидан сўнг маҳаллада





дейди Баҳромжон ака. — Ватан остонадан бошланади, деганларидек ҳар қандай киши биринчи навбатда маҳаллада туғилиб, ўсиб вояга етади ва инсон сифатида шаклланади. Маҳалладаги яхши одамлардан ўрнак олиб ўсган, ота-онасидан ташқари оқсоқоллар панду насиҳатларини қулоққа олиб, камолга етган киши ҳеч қачон қоқилмайди ва йўлдан чалғимайди. Шуни инобатга олган ҳукуматимиз маҳаллаларга эътиборни кучайтириб, тўғри иш қилмоқда. Агар маҳаллаларда одамлар иш билан банд бўлса, даромад топса, тинчлик, осойишталик, тараққиёт, фаровонлик таъминланаверади.

Маҳалла идорасига кирсангиз, шаҳарнинг шу масканидаги ҳолат ойнадек акс этган ҳужжатларга кўзингиз тукасаначиликни йўлга қўйиш ҳаракатини бошладик, — дея суҳбатни давом эттирди Б.Саидов. — Энг олдин уйма-уй юриб, кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг қўлидан иш келадиган бекаларини аниқлаб чиқдик. Тегишли саноат корхоналари билан келишиб, улардан эллик нафарга яқинини уйда кўрпа, дўппи, ёстиқ жилдларини тикиш ишларига жалб этдик. Ҳозирга келиб улар орасидан Жамила Жамолова, Азиза Исмоилова, Раъно Ҳасанова, Омина Мурзараҳимовалар яхши ишлари билан оғизга тушиб улгурдилар ва шу йўл билан топган маошлари ҳисобига рўзғорларига барака киритмоқдалар.

(Давоми 2-бетда)

*«Умид ниҳоллари-2006»*

***Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари-2006» спорт мусобақаларининг республика финал босқичи 4-9 май кунлари Қашқадарёда бўлиб ўтади. Ўзининг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган қадимий ва ҳамиша навқирон Насаф кичик олимпиадани ёруғ юз билан кутиб олаяпти.***

Мусобақалар арафасида Қаршида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Чиройли ва замонавий мажмуалар қад кўтарди. Бундан бир ой муқаддам вилоятнинг бир гуруҳ фермер ва тадбиркорлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари Зикриё Асроров, Ойниса Очилова, Гулчеҳра Примқулова, Собир Эшматов, Неъматхон Шамсиддиновлар воҳа аҳлига мурожаат қилиб, мусобақа қатнашчиларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ниятини билдирган эдилар. Яқинда ҳомийлар томонидан ёш спортчилардан 300 нафарига қимматбаҳо совғалар топширилиши уларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат, маҳоратига-маҳорат қўшди.

## КАМОЛОТ ВА ГЎЗАЛЛИК КЎРИГИ

Қашқадарё улкан спорт байрами оғушида. Апрел ойида кўҳна Занжирсарой обидалари ёнидаги «Машъал» ўйингоҳида «Президент-Мустақиллик-Кураш» шиори остида соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган катта кураш мусобақаси бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан Муборак туманига келган полвонлар орасида донгдор курашчи Давлат Чориев Президент соврини - «Нексия» автомашинаси билан мукофотланди. Ғолиблар Ўткир Саломовга туя, Меҳриддин Шоймуродовга от, Шуҳрат Муродовга рангли телевизор берилди.

Бир ҳафта мобайнида вилоят марказида давом этган «Фьючерс» халқаро теннис турнирида мамлакатимиз вакили Денис Истомин бултургидек бу йил ҳам финалда ғолибликни қўлга киритиб, бош совринга эгалик қилди.

Касби туманидаги «Дўстлик» ўйингоҳида Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ва Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб улоқ-кўпкари бўйича республика биринчилиги ва 16-18 ёшли ўсмирлар ўртасида 1-Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда умумжамоа ҳисобидан Тошкент вилояти чавандозлари, ёшлар ўртасида қашқадарёликлар бош совринни қўлга киритганликлари, айниқса, қувончли бўлди.

Камолот ва гўзаллик байрами ҳисобланган «Умид ниҳоллари - 2006»нинг бошланишига саноқли кунлар қолди. Интернет тизимида бу мусобақаларнинг расмий веб сайти очилди ва мамлакатимиз аҳли, хориж фуқаролари мазкур спорт ўйинлари тарихи, мусобақалар ўтказиладиган мажмуалар, ўйинларнинг бориши ҳақидаги кундалик маълумотлар билан ўзбек, рус ва инглиз тилларида танишишлари мумкин.

- «Умид ниҳоллари-2006» матбуот марказида доимий навбатчилик ташкил этилган бўлиб, барча техника-воситалари билан таъминланган, - дейди спорт мусобақаларини ёритиш матбуот маркази котиби Шерзод Ахматов. - Ҳар бир журналист мусобақалар жараёнини шу ернинг ўзидан туриб мақола ҳолида бевосита таҳририятларга юбориш имкониятига эга.



Маълумотларга қараганда, мамлакатимиз бўйича мусобақаларнинг мактаб, туман ва вилоят босқичларида 4 миллион 248 минг 246 нафар ўқувчи қатнашади. «Умид ниҳоллари-2006» спорт мусобақаларининг янги таҳрирдаги Низоми Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан Қаршида ўтадиган мусобақада 12 спорт тури бўйича беллашилади.

Баҳслашувларда ҳар бир вилоятдан 143 нафар (83 нафар ўғил бола, 60 нафар қиз) спортчилар, 17 нафар мураббий ва 14 нафар ҳакамлардан иборат 174 киши иштирок этади. Мусобақаларда қатнашувчи спортчиларга қулайлик яратиш мақсадида 16 йўналишдаги махсус ишчи гуруҳи тузилган. Беллашувларда иштирок этувчи жамоалар қуръа ташлаш йўли билан аниқланди.

Мусобақада қатнашиш учун Қарши шаҳрига 3 минг ўқувчи келади. Уларни кутиб олиш, жойлаштириш, овқатлантириш, маданий дам олдириш тадбирлари ишлаб чиқилган. Ёшлар Қарши шаҳри, Қашқадарё вилоятинииг гўзал ва баҳаво жойлари, воҳанинг қадим тарихи, ёдгорликлари, соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти манзилгоҳлар, вилоятда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишадилар.

Асосий тантаналар ўтадиган, жаҳон андозалари асосида қурилган 20 минг ўринли ўйингоҳ байрамга пухта ҳозирланди. Мамлакатимизнинг «Совпластитал» корхонасида тайёрланган ўриндиқлар ўрнатилди. Футбол майдонининг 8 қаторли югуриш йўлакларига Германиядан келтирилган махсус қопламалар қўйилди. «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари ҳар бир ишни тез ва соз амалга оширишни таъминладилар.

Ўзбекистон Республикаси байрамлар ва тантаналар ўтказиш маркази бадиий фонди мутасаддиси Борис Покровскийнинг таъкидлашича, мусобақаларнинг очилиш маросимида 3,5 мингдан зиёд ёш спортчи ва санъаткорлар қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Мусобақалар ўтадиган Қарши Давлат университети, Муҳандислик иқтисодиёти институти, касб-ҳунар коллежлари, Нуристон академик лицейи спорт заллари, майдонлари барвақт тахтланди. Олимпиа заҳиралари коллежи манежи, сузиш ҳавзаси, футбол майдони ва бошқа иншоотлар мукаммал таъмирланди. Ётоқхона, ошхона, чойхона, «Маънавият ва маърифат хоналари», кураш заллари таъмирланиб, тўлиқ жиҳозланди.

Қашқадарёликлар «Умид ниҳоллари-2006» спорт мусобақаларининг финал босқичига пухта ҳозирлик кўрган ҳолда келмоқдалар. Айни пайтда беллашувларга қатнашиш учун келганлар очиқ чеҳра билан кутиб олиниб, меҳмонхона ва ётоқхоналарга жойлаштирилаяпти.



**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» махсус мухбирлари**

*Қарор ва ижро*

## ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ - ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

***Президентимиз Ислом Каримовнинг автомобил транспортида йўловчи ташиш хавфсизлигини ва хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтиришга қаратилган Фармон ва қарорларининг қабул қилиниши мамлакатимизда халқимиз фаровонлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган яна бир хайрли ишлардан бўлди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎзА мухбирининг ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Абдулла ҚЎЛДОШЕВ билан суҳбати мазкур ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасидаги ишлар хусусида бўлди.***

- Мамлакатимизда транспорт воситалари сони кундан- кунга ортиб боряпти, - дейди А.Қўлдошев. - Бу, аввало, халқимиз фаровонлигининг тобора юксалиб, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатининг яхшиланаётгани, юртимизда автомобилсозлик саноатининг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Шу боис шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларида енгил автомашиналар ва автобуслар қатнови сезиларли даражада кўпаймоқда. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, хизмат тизимини замонавий технологиялар асосида ташкил этиш билан боғлиқ қатор вазифаларни ўртага қўймоқда.

Йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибати юртимиз иқтисодиёти ҳамда жамиятнинг маънавий ҳаётига муайян зарар етказади. Шунинг учун бундай ҳодисаларнинг олдини олиш муҳим вазифалардандир.

(Давоми 3-бетда)

## ОИЛАВИЙ БИЗНЕС

**Бураматут гилослари японияликлар дастурхонида**

***Президентимизнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишда оила бизнеси ҳамда шахсий томорқадан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.***

Хўжанд қишлоғида хонадон шароитидаги тадбиркорлик туфайли фаровон турмуш кечираётган оилалар талайгина. Айниқса, Юсуповлар сулоласининг бу борадаги изланишлари натижасида ўзига хос тажриба вужудга келганини алоҳида қайд этмоқ жоиз. Марҳум Абдужаббор ота бутун умри давомида ҳовли боғдорчилигини ривожлантириш билан шуғулланган миришкор эди. Унинг самарали меҳнатлари алоҳида эътироф қилинди. 1994 йилда соҳибкорга Президентимиз совғаси, «Жигули» автомашинаси топширилди.

— Истиқлол мен каби соҳибкорлар елкасини ҳам шабода сингари эзгулик қўли билан силади, — дея унинг севинч ёшлари ёноқларини ювиб тушгани кўпчилик кўзида ҳозиргидай гавдаланади.

Машҳур боғбоннинг эзгу мақсад билан бошлаган ишини бугунги кунда ўғли Комилжон, набиралари Юсуфжон ва Мухторжонлар давом эттиришмоқда.

Саранжом-саришта ҳовли узумзор қуршовида янада файзли кўринади. Ишкомлар атрофида бир қарич бўш ётган ер йўқ. Хатто кўча деворлари ёнига ҳам узум экилган. Ажабланарлиси, 20-30 йиллик токлар ҳали ҳам юқори ҳосил бермоқда. Боғбонлар хонадонида узумчиликнинг энг сархил ва харидоргир навлари парваришланади. Айниқса, келинбармоқ, қора кишмиш, чилги ва оқ ҳусайн каби серҳосил узумлар кўп экилган.

— Бугунги кунга келиб бозорда энг кўп талаб қилинадиган навлардан ниҳоллар етиштиришни бошлаб юбордик, — дейди Комилжон Юсупов. — Ҳар бир хонадонда «келинбармоқ» бўлсин деган ният билан кўчатчиликка қўл урдим.

Комилжон Абдужаббор отадан узумчиликнинг нозик сир-асрорларини мукаммал ўрганиб олган. Шу боис ҳам бир неча йилдирки, ота қўллари билан ўтқазилган ниҳолларнинг бирор тупи ҳам қуриб қолмаган. Йил сайин ўсиб, йириклашиб, ҳосил салмоғини кўпайтирмоқда.

(Давоми 2-бетда)

*Ибрат*

## ИРОДА КУЧИ УНГА ЙЎЛ ОЧДИ

***Мустақиллик, аввало, ўзликни англаш, ўз қадр-қимматига етишдир. Негаки, ўзини англаган, ўз қадрига етган одамгина Ватан, халқ, миллат деган улуғ тушунчаларни теран тушуниб, қадрига етади.***

Яқинда хизмат сафари билан Бухоронинг Шофиркон туманида бўлиб меҳнаткаш аёллар, тадбиркорлар, ўқувчи- ёшлар даврасида бўлдим. Мустақиллик уларнинг ҳар бирига катта руҳий қувват, ички имкониятлари, истеъдодларини намоён этишларида қанот бўлаётганини кўриб дилдан қувондим.

Бугун шофирконликлар Мустақилликни мустаҳкамлаш, ёшларни ватанга, аждодларга муносиб ворис қилиб тарбиялаш ҳақида ишонч ва қатъият билан гапирадилар. Далаларда экин-текин ишлари қизғин, буғдой парвариши авжида. Фермерларнинг қўли-қўлига тегмайди. Уларнинг бари Ватан корига яраш, меҳнати билан ўзини нималарга қодирлигини амалда исботлашдек улуғ мақсадга бел боғлашган. Фермерларнинг чин ихлос билан бошлаган ишларини кўриб эртанинг бугундан порлоқ бўлишига ишонасан. Уларнинг манглайидаги тер, юрагидаги шуур, ниятларидаги қатъият, чеҳраси ва сўзидаги самимият Ватанга, Мустақилликка буюк муҳаббатини англатади.

(Давоми 2-бетда)

*Газетада босилмади, аммо чора кўрилди*

## ТОВОН ПУЛИ УНДИРИЛДИ

***Дўстлик туман «Қишлоқхўжаликкимё» акционерлик жамиятида қатор йиллар механизаторлик қилиб келган Имом Пармонов касб касаллиги бўйича товон пули ололмаётгани сабабли Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда таҳририятимизга шикоят хати ёзган эди.***

Ушбу ариза ҳамкорликда жойида ўрганилганида қайд этилган далилларнинг аксарияти ўз исботини топди. Маъмуриятга жамоа шартномасида белгиланган бандлар ҳамда меҳнат қонунлари батафсил тушунтирилди. Жорий йилнинг март ойидан бошлаб Имом Пармоновга товон пули тўланадиган бўлди.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Ислом КАРИМОВ:**
***Мустақиллик биз учун аввало ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш демакдир.***

# ИСТИҚЛОЛ—МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

## МАҲАЛЛА КАСАНАЧИЛАРИ
### ёки ҳеч ким бекор қолмайди

(Боши 1-бетда)

Шу билан бир вақтда касаначилик йўналишлари бўйича маҳалла қошида цехлар очиш ҳаракатини бошладик. Бунинг учун маҳалламиздаги бир вақтлар турли мақсадларда қурилиб, бугунга келиб эса ташландиқ ҳолатга келган айрим биноларни эпақага келтиришга киришдик. Бу эзгу ишимизда бизга маҳалладош тадбиркорлардан Қосимхон Абдуллаев, Муҳиддин Умаров ва бошқалар ёрдам қўлини чўзишди. Ана шу йўл билан иккинчи умр бахш этилган биноларнинг бирида уйда бекор ўтирган аёллар, ўрта мактабни янги тамомлаган қизлар учун чеварчилик кичик корхонасини очдик. Юқоридаги тадбиркорлар ушбу саноат шохобчасига тикув машиналари сотиб олишга ёрдамлашдилар. Маҳалламизда истиқомат қиладиган олий маълумотли, чевар Маҳмудахон Жалолова цех оталиғини ўз зиммасига олиб, ишлаш истагида бўлганларга касб ўргатишни бошлади. Бугунги кунда уларнинг сони 30 нафарга яқинлашди. Асилахон Раҳмонова, Нигора Исмоилова, Юлдуз Тоштемирова, Лобар Иноятова кабилар ҳозирдаёқ бу касбни пухта ўзлаштириб олиб, мустақил равишда ишламоқдалар.

Шунингдек, бекор юрган йигитларга ҳам касб-ҳунар ўргатиб ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашишни мақсад қилиб қўйганмиз. Шу йўналишда Алихон Қосимов раҳбарлигида йигитлардан ҳам чеварлар тайёрлаш курсини очдик. Бу ерга ҳам шу ҳунарни эгаллаш истагида бўлганлар ва тадбиркорлар кўмагида 9 та тикувчилик машинаси сотиб олиб ўрнатдик. Ҳозир улар мустақил равишда ишлашни ўрганиб олишди. Улар орасидаги Аваз Қосимов, Сардор Ёқубов ва Ҳусниддин Содиқовлар буюртмачилардан иш олиб, ҳар хил кўринишдаги эркаклар шимларини ва кўйлакларини тикишмоқда.

Биз хайрлашишимиз олдидан Баҳромжон акадан навбатдаги режаларини сўрадик:

— Юқорида тилга олинган йўналишдаги ишимизни янада ривожлантириш, — деди у саволимизга жавоб қайтарар экан. — Уй буюртмаларини кенгроқ йўлга қўйиш ҳаракатидамиз. Эркаклар учун мос касб-ҳунарни ўргатиш ва шу йўналишда кичик корхоналар очмоқчимиз. Бошқачасига айтганда, дурадгорчилик, пичоқчилик ҳунарларини ўргатиш мактаблари очиш ҳаракатини бошладик. Кейинроқ эса маҳаллада шу соҳа бўйича кичик корхоналар ташкил этамиз. Мақсадимиз бизда ҳеч ким бекор қолмасин, токи ишга яроқли ҳар бир эркак-аёлнинг ўз меҳнат ўрни бўлсин ва шу орқали топган даромади ҳисобига бемалол рўзғор тебратсин.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Истиқлол тадбиркор хотин-қизларнинг ҳаётида катта ўзгариш ясади. Хусусан, Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги Фармони туфайли уларга эътибор тубдан ўзгарди. Бугунги кунда юртимизда минглаб касаначи аёл ва қизлар халқ ҳунармандчилигини гуллаб-яшнатишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.***

*Интилганга толе ёр*

## ҲУНАРДАН БАХТ ТОПГАН АЁЛ

Шулардан бири Жамила Пўлатовадир. Уни Яккабоғда яхши билишади. Унинг қўлидан чиққан маҳсулотлар кўпчиликнинг эътиборига тушган. Улар сифатли ва бежиримлиги билан харидоргир ҳисобланади. Асл касби муаллима бўлган Ж.Пўлатова ўзидаги чеварлик фазилатини бошқаларга ҳам ўргатиб келмоқда. У Яккабоғ касб-ҳунар коллежида узоқ йиллардан буён ёшларга тикувчилик сирларидан сабоқ бермоқда. Жамила опанинг шогирдлари Яккабоғдагина эмас, балки қўшни туманларда ҳам ўз ҳунари билан халққа хизмат қиляпти. Моҳир муаллима аҳоли талабига мос маҳсулот тайёрлаш борасида узоқ вақт изланди. У Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўқиб юрган кезларидаёқ бу ҳақда жуда кўп ўйларди. Ўқишни битиргач, ўзи келин бўлиб тушган Имомёқуб қишлоғида кўпчилик қизларнинг ҳунарсиз юрганига гувоҳ бўлди. Кейинчалик турмуш ўртоғининг бир-икки йил ишлаб инқирозга учраган хусусий корхонаси дастгоҳларидан фойдалана бошлади. Марғилонга бориб, таниш ҳунармандлардан иш ўрганди. Ўз атрофига беш-олти нафар қизни тўплаб, фаолиятини янада кенгайтирди. Улар ишлаб чиқарган аёллар кийимлари, ўқувчи қизлар формалари ва сумкалар, зардўзлик буюмлари тезда ўз харидорини топди. Бу маҳсулотлар фабрикада тайёрланган буюмларга тенглашса тенглашадики, асло қолишмайди.

— Маҳсулотни элга манзур қилиш учун нозик дид ва чеварлик билан бирга, унга меҳр бериб ишлаш талаб қилинади. Бу меҳр тиккан кийимларингда акс этиб, токи одамлар қалбига йўл топмагунча бир лаҳза тин олмаслик керак, — дейди Жамила опа.

Ҳа, қўлигул чеварнинг келажакдан умидлари катта. Ўсиб келаётган қизлари — Дилнавоз ва Наргизани ҳам ўзи каби элга нафи тегадиган инсонлар қилиб тарбиялашни ўйлайди у.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ибрат*

## ИРОДА КУЧИ УНГА ЙЎЛ ОЧДИ

(Боши 1-бетда)

Айниқса, тумандаги 250 нафар тадбиркорлар амалга ошираётган ишлар эътиборга сазовор. Қарангки, туман тадбиркорларнинг шуҳрати бугун нафақат вилоят, балки республикага ҳам маълуму машҳур. Қувончлиси, ҳар қишлоқнинг ўз чевари, ҳунарманди бор. Улар туман шуҳратини, ҳатто халқаро кўргазмаларда ҳам намойиш этмоқда. Энг муҳими тадбиркорларнинг аксарияти ўз касб-кори бўйича алоҳида мактаб яратган фидойилардан.

Ҳар бир тадбиркорнинг олижаноб мақсади, эзгу ишида, юз-кўзларидаги меҳр ифодасида мустақил давр одамларининг ўзига хос фазилатлари ва қиёфасини кўрасан. Уларга боқиб Мустақиллик эл-юрт равнақи йўлида бажараётган ишларида кенг қулоч ёйиб бораётгани, улғайиб давр кишиси руҳида бетимсол имкониятлар очаётганига гувоҳ бўласан. Ҳа, Мустақиллик руҳнинг юксалиши, мақсаднинг улғайишидир.

Бу ҳақиқат ҳар йили юзлаб қизларга тикувчилик сирларини ўргатиб, улар ҳаётига мазмун бағишлаб, одамларга гўзаллик улашаётган Дилрабо Намозова фаолиятида янада ёрқинроқ акс этган. Дилрабо табиатан оқила, билимдон, зукко қиз эди. Орзулари оламга сиғмасди гўё. У ҳамқишлоғи, тиббиёт илмининг donoларидан бири Шаҳоб Ҳамроевдек етук мутахассис олим бўлишни орзу қилиб, тиббиёт институтида ўқиётган эди...

Аммо ҳаёт бешафқат. Баъзан у одамни шундай синовга соладики, беихтиёр орзуингни армонга айлантиради. Дилрабо ҳам институтда ўқиб юрган дамларида оғир хасталикка чалиниб, қўл-оёғи ишламай, тўшакка михланиб қолди. Аммо у қисматини бешафқат тақдир қўлига топшириб қўймади. Сабр-тоқат билан узоқ даволанди, ўқиб-ўрганишдан тўхтамади.

Оғир дард туфайли ўқиши аро йўлда қолиб кетса-да, ҳаётдан узилиб қолмади. Умидлари унга тиргак бўлди. Қўлтиқтаёққа суяниб ўрнидан турди. Ирода кучи унга йўл очди. Аввал яқинлари, сўнгра қишлоқ қизларига чиройли кўйлаклар тикиб юрди. Сўнгра унинг чеварлиги туманга ёйилди. Уни излаб келувчилар кўпайди. Ҳатто шогирдликни ихтиёр этганлар сафи қалинлашиб борди. Шогирдлари, мижозлари кўпайиши Дилрабонинг қалбига чироқ ёқди, орзуларини жунбушга келтирди. Ниятларига қанот бахш этди. «Дилрабо чеварлари» фирмасини очиб қизларга касб-ҳунар ўргатаман!». Қўлтиқтаёққа суянган Дилрабони нияти ана шундай улуғ, саховатга савобга йўғрилган эди. Масъул раҳбарлар унинг эзгу ишини қўллаб-қувватлашди. Кредит олди, фирма очди. Касб-ҳунар ўрганишни истаган қизлар эзгу ишга жалб этилди. «Дилрабо чеварлари» тиккан дастлабки маҳсулотлар кам таъминланган, кўп болали оилаларга берилди. Арзон, сифатли кийим-кечакларнинг бозори чаққон, харидори кўп эди.

Дилрабо ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали маҳсулот сифати ва тўкинлигига эришиш учун етти пирнинг бири Моҳитобон Ориф ар-Ревгорий ҳазратлари зиёратгоҳлари ёнгинасида жойлашган чойхонани ижарага олиб хусусий фирмани кенгайтирди. Яхшилик яхшиликка йўл очди. Дилрабонинг чевар қизлари кўпайди.

Муборак зот қадамжолари жойлашган бу манзилда бир вақтлар чойхона очилиб, ҳатто спиртли ичимликлар савдоси йўлга қўйилган эди. Дилрабонинг саъй-ҳаракати билан бугун бу гўша гўзаллик ва меҳр-саховат уйига айланган. Бу ерда 30 нафар қиз чеварлик сирларини ўрганмоқда. Дилрабохон уларга нафақат чеварликдан, балки рўзғор тутиш, одоб-аҳлоқ, маънавиятдан ҳам сабоқ беради. Унинг доно ўгитларию чеварлигидан баҳраманд бўлган қизлар эса туманнинг турли қишлоқларига бориб, ўрганганларини ёш қизларга ўргатишмоқда.

Шундай қилиб, эзгулик Дилрабохон тимсолида қуёш нуридек юзлаб қалбларга зиё улашмоқда. Айни кунда Дилрабохон қўшни Пешку туманида ҳам фирма филиалини очиш ниятида.

Эл-юртга наф келтириб, одамларни яхшилик томон бошлаш, қизларга ҳунар ўргатиб хонадонларга рушнолик бахш этиш юрагида Мустақиллик чироғи ёниб турган Дилрабодек фидойилар қўлидан келади. Ногирон ҳолида ҳассага таяниб бўлса-да, ёш қизлар қалбидаги яширин имкониятларни юзага чиқараётган, уларнинг тақдирига масъулият ҳисси, яна Ватанга соғлом фикрли, ҳунарманд ёшларни тарбиялаб бераётган тадбиркорнинг иши таҳсинга сазовор. Дилрабодек мустақил фикрлайдиган, заминда мустаҳкам илдиз отган иродали одамнинг қўлидан келади бундай жасорат.

Ҳа, дарвоқе Дилрабонинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб, Ватан мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан унга «Жасорат» медали берилди. Матонатли, сабр-тоқатли қизнинг бу муваффақиятидан бутун Шофиркон аҳли қувонди ва фахрланди. Дилрабодаги журъат ва жасорат тўрт мучаси соғлом кишиларга ҳам ибрат бўла олади.

— Ҳадиси шарифда айтилганидек, Оллоҳ инсонни оламда жаннатлар яратиш, эзгулик, яхшилик даракчиси сифатида юборган, - дейди Дилрабо Намозова. — Кимки ана шу амалларни адо этиб, дунёга яхшилик уруғини экиб кетса, ҳаёт кундан кунга гўзаллашиб, фаровонлашиб бораркан. Ишонаманки, чевар шогирдларим ҳам эзгулик сочувчи, ҳаётни гўзаликка чулғовчи мен эккан ниҳоллардир. Улар билан фахрланаман.

Сафардан бир олам таассурот билан қайтарканман, Мустақиллик, Озодликдан яшараётган шофирконликларга чин дилдан ҳавас қилдим.

**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**





## ОИЛАВИЙ БИЗНЕС
### Бураматут гилослари японияликлар дастурхонида

(Боши 1-бетда)

Шу хонадонда қилинган ҳалол меҳнат туфайли Юсуповлар оиласи бекаму кўст яшамоқда. Ҳар йили етиштирилган ҳосилдан олинаётган миллион-миллион сўм даромад барча харажатлар, рўзғор сарфидан ҳам ортиб, янги уйлар қуришга ва тўй-ҳашамларга ҳам етяпти.

Бураматут қишлоғида эса хонадон боғдорчилигининг яна бир истиқболли йўналиши — гилосчилик равнақ топмоқда. Дастлабки йилларда Қува тумани ва бошқа жойлардан кўчат олиб келиб эккан бураматутликлар бугунги кунда диёримизга эртапишар, серҳосил ва серхаридор гилос ниҳолларини етказиб беришмоқда. Албатта, ҳар бир соҳанинг оммалашувида унинг асосчилари муҳим рол ўйнайди. Бинобарин, Валижон ака Арслонов Бураматут гилосчилигининг жонкуярларидан, десак хато қилмаган бўламиз.

Муаллимнинг йигирма йиллик изланишлари самараси ўлароқ қишлоқ буткул боғдорчиликка ихтисослашди. Ёшларга таълим-тарбия бериш борасида кўп йил меҳнат қилган мураббий нафақага чиққанидан сўнг боғдорчиликнинг энг мураккаб ва сердаромад соҳаси — гилосчиликнинг чинакам ташаббускорига айланди. Унинг шу ер шароитига мос навларини танлаш ва кўпайтириш борасидаги интилишлари бесамар кетмади. Деҳқончиликда «Сара уруғ - ҳосил бўлуғ» деган нақл бор. Боғдорчиликда эса нав танлаш билан бирга сифатли кўчатлар етиштириш ютуқлар омилидир. Валижон аканинг оила бизнеси ана шу йўналишга оид. Унинг кўп йиллик изланишлари маҳсули сифатида юзага келган янги нав гилосларининг довруғи бугуни кунда чет элларда ҳам маълум.

Айни кунда жонкуяр тадбиркор қишлоқ табиий иқлим шароитига мос «Баҳор», «Қалдирғоч», «Буқа юрак» каби навларни кўпайтириш устида иш олиб бормоқда. Бозор муносабатлари барча соҳаларда астойдил изланиб, меҳнат қилишни, рақобатбардошликни талаб этади.

Бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда энг сифатли, арзон, харидоргир маҳсулот етиштирган тадбиркоргина замонамиз ишбилармонларидир. Бу қоида хонадон иқтисоди учун ҳам аҳамиятлидир. Чунки, оилавий бизнесда шахсий томорқа хўжалигида ишлаб чиқарилган ноз-неъмат бозорда эркин савдода ўз ўрнини топиши керак. Айни кунларда Бураматут гилослари нафақат мамлакатимиз бозорлари, балки, ҳамдўстлик давлатлари, қолаверса, Япония бозорларини забт этаётгани ҳам бежиз эмас.

Мустақиллик шарофати билан тадбиркорликка кенг йўл очилди. Азалдан юртимиз олма-ю анорлари билан довруғ қозонган. Атиги 10-15 йил аввал бошланган эзгу-ишлар туфайли Бураматут бугунги кунда сарҳил гилослари билан машҳур бўлиб кетди. Яна эътиборга молик жиҳати, бу маҳсулотлар асосан хонадон томорқасида етиштирилмоқда.

— Касби-коридан қатъи назар қишлоқ аҳли гилосчилик билан шуғулланмоқда. Қайси бир уйга кирманг, ҳовли тўла гилос дарахтлари. Армонли дунёдан армонсиз ўтай, десангиз, ҳовли-ю томорқангизга гилос экинг. «Агар уйингизда гилосингиз бўлмаса, бураматутлик эмассиз», деган гап юради, — дейди Беруний МФЙ раиси Насриддин Юсупов. — Бураматутликлар гилосчилик мактабини яратди. Бундан ҳар бир оила ўртача 1,5 миллион сўмдан 5 миллион сўмгача даромад қилишади. Бу маблағларнинг бир қисми қишлоқ кўчаларини ободонлаштиришга сарфланади.

Дарҳақиқат, хонадон томорқаси маъмурчилик манбаидир. Бу оила бизнесининг имкониятлари бисёр эканлигидан далолат. Кимки сидқидилдан меҳнат қилса, оқилона хўжалик юритса, даромадига даромад қўшилаверади. Эндиликда бу омилга иқтисодиётининг муҳим бўғини сифатида қаралаётгани ҳам бежиз эмас.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, оилавий бизнес ва шахсий томорқа хўжаликларини янада ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилиши зарур. Бу эса аҳолининг «Бандлик» даражасини оширишнинг устувор йўналишидир.

**Соҳиба АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*Имконият*

***Мустақиллик туфайли мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ривожига етарли имкониятлар яратилди. Улар кенг миқёсда қўллаб-қувватланаётир. Сирдарёда ташкил этилган мамлакатимиз ва хорижда ишлаб чиқарилган технология, асбоб-ускуна ва озиқ-овқат маҳсулотларининг кўргазма-ярмаркаси соҳа тараққиётига хизмат қилади.***

## ҲАВАС, ИШТИЁҚ
### истиқболга эшик очади

Гарчи қишлоқ шароитида улғайган бўлса-да Зиёдулло Абдуғаффоровнинг интилиш, ниятлари улуғвор эди. Тўғри, унинг илк режаларини эшитган одам мийиғида кулиб қўярди. Чунки бундан ўн йил илгари тасаввур ҳам ўзгача эдида.

Тиришқоқ йигит ер олди, фермер бўлди. Ихтиёридаги чорва моллари сонини эллик бошдан оширди. Шундан кейин ўз хўжалигида ишлаб чиқилаётган гўшт, сутни қайта ишлаш ташвишига тушди. Бунинг учун бурнининг тагидан нарини кўролмайдиганлар қаршилигини енгиб ўтишга тўғри келди. Чунки қишлоқдан бир қадам олислашни истамаганлар, тор қобиққа ўралганлар оз эмасди. Тадбиркорнинг илк маҳсулоти кўргазмага қўйилганда, «Янги ҳаёт»дек қишлоқдан чиққан маҳсулот кўпчилик ҳайратини оширди. Нимага деганда корхона ишлаб чиқарган гўшт консервасининг таъми ва сифати хорижникидан сира қолишмасди. Шундай қилиб З.Абдуғаффоров ишлаб чиқаришни уддалади. Йигирма нафардан ошиқ ҳамқишлоқларини иш билан таъминлади.

Давр учқур от мисоли югурик. Унинг шитобини илғаш, ҳамоҳанг қадам ташлаш осон эмас. Зиёдулла ҳам бу соҳада воҳада якка чавандоз эди. Улоқни тортишадиган, юлқиб-юлқиб тезкорлигини оширадиган шерик деярли топилмасди. Рақобат уни улғайтирди, чиниқтирди, пишитди. Чекинишни билмасдан келаётган йигит бугунги имкониятдан беҳад мамнун.

— Вилоятимизда ташкил этилган технология, асбоб-ускуна ва озиқ-овқат маҳсулотларининг кўргазма-ярмаркаси менда катта таассурот қолдирди, — дейди тадбиркор. — Айниқса, Ўзбекистон Савдо саноат палатаси қошидаги «TEXNOEKSIMINVEST» унитар корхонаси 19 мамлакатда ишлаб чиқарилган юздан зиёд нуфузли компанияларнинг технология ва ускуналар ҳақида маълумот берувчи техник ҳужжатлар ва катологларни тақдим этгани менга манзур бўлди. Уларнинг айримларига буюртма бериш истагим бор. Ундан кейин мамлакатимизда ўз маҳсулотлари билан танилган ишбилармонлар фаолияти билан яқиндан танишдик.

Шулардан бири мамлакатимизнинг турли ҳудудларида 12 нафар расмий дистрибютерларга эга «Зебунисо она» қўшма корхонаси. 30 дан ошиқ турдаги маҳсулотлар билан кўпчилик эътиборига тушган ушбу корхонага ҳавас қилгулик. Улар ишлаб чиқараётган қандолат ва макарон маҳсулотлари мирзачўлликлар оғзига тушган. Тошкент шаҳридаги «Роҳат», «Сирдарёвино» акциядорлик жамиятларида тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам сифати билан ажралиб туради. Ҳавас, иштиёқ истиқболга эшик очади. Тадбиркор Зиёдулла Абдуғаффоров шундайлардан. У худди «Зебунисо она»дек кучайишни орзу қилади.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## УМРБОҚИЙ АНЪАНАЛАР
### замон билан ҳамнафас

*Сулола*

***Яқинда, аниқроғи, жорий йилнинг 5 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони кўплаб муаммолар тугунларини ечиб юборди. Бу тарихий ҳужжат авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ҳунармандчилик, халқ амалий санъати, турли хизматлар билан шуғулланувчиларга кенг йўл очиб берди.***

Касаначилик, маълумки, қадимдан мавжуд. Кулоллар, чеварлар, дурадгору косибларнинг оилавий сулолари бугун ҳам ота мерос ҳунарларини ардоқлаб келмоқда. Айниқса, маҳалла-маҳалла бўлиб меҳнат қилиш одат тусига айланиб кетган. Масалан, Нуротада каштачилик, Қизилтепада кулолчилик, зардўзлик, Конимехда гиламчилик, Хатирчида қандолатпазлик, Навбаҳорда устачилик, чопондўзлик, Учқудуқ, Томди туманларида маҳаллий хомашё, жун ва тери маҳсулотларидан ишланган ҳар хил халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи оилалар кўп.

Юқорида қайд этилган Фармон асосида Навоий вилоятида ишчи гуруҳлари тузилди. Уларнинг мақсади жойларда ҳар бир йирик саноат корхоналарига Фармоннинг мазмун моҳиятини етказиш, касаначи меҳнати билан шуғулланаётганларга қандай имтиёз ва қулайликлар берилаётганлиги билан таништириш, ҳар бир корхонанинг имкониятлари доирасида таклифлар тайёрлашдан иборат. Олиб борилаётган ташкилий ишлар натижасида ҳар бир шаҳар, туманда меҳнат шартномаси асосида касаначилик меҳнатини ривожлантириш, шунингдек, буюртма шартномаси ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали уй меҳнатини ташкил этиш дастурлари ишлаб чиқилди. Унга асосан жорий йилда вилоятимиз бўйича 40 дан зиёд йирик корхоналарда 4323 нафар киши (улардан 2463 нафари хотин-қизлар) касаначиликка жалб қилиниб доимий иш билан таъминланади ва 20 дан зиёд турдаги бир неча йўналишларга мансуб маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, вилоятимиз аҳолисига турли хилдаги маиший хизматлар кўрсатилади.

Касаначиларга берилаётган қулайликлар корхоналарнинг буюртмалари уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) томонидан меҳнат шартномаси асосида бажарилади. Корхона билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига киради ва уларга меҳнат дафтарчалари берилади яъни корхонанинг ҳақиқий ишчиси ҳисобланади. Улар ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга олинади. Пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади.



Ўтган йил давомида вилоятимиздаги барча туман ва шаҳарларда ишсиз деб эътироф этилган 2244 нафар фуқаро вилоятда фаолият кўрсатаётган корхоналар, кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳамкорлигида ташкил этилган уй меҳнати (касаначилик)га жалб этилиб, доимий иш билан банд этилди.

Юртбошимизнинг касаначиликни ривожлантиришга оид фармони чиққандан сўнг туман, шаҳар ҳокимликлари берган таклифларга асосан аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришнинг 2006-2007 йилларга мўлжалланган вилоят дастурида уй меҳнатини ташкил қилиш ҳисобига жами 11931 нафар киши (шундан 6282 нафари хотин-қизлар) иш билан банд бўлмаган фуқароларни, улардан 8516 нафарини меҳнат шартномаси асосида, 2296 нафарини пудрат шартномаси бўйича ва 1119 нафарини оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига жалб этиш кўзда тутилган бўлиб, фаолият кўрсатаётган корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулот турлари, уларнинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, атторлик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебел, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначиликни ташкил этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Хуллас, ота-боболаримиз тажрибасида синалиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган умрбоқий анъаналарни бундан-да тараққий эттириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос вужудга келди. Касаначилик - кони фойда. Уни қандай йўлга қўйиш ҳар кимнинг ўз иқтидори ва салоҳиятига боғлиқ.

**Жамил НУРОВ,**
**Навоий вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи**

Касаба уюшма тадбири





# «COSCOM» КОМПАНИЯСИ
## байрамни ўзгача нишонлади

Ҳа, «Coscom» компанияси ўзгача йўл тутди. «Coscom» алоқа компанияси ўзининг ўн йиллик байрамини спорт мусобақалари орқали тантана қилди.

Ўтган шанба куни пойтахтимиздаги "Яккасарой" спорт мажмуасида бўлиб ўтган спорт мусобақаларида "Coscom" компаниясининг мижозлари ҳамда ҳамкор ташкилотлар — Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент алоқа коллежи талабалари иштирок этди. Баҳслар спортнинг икки тури бўйича ўтказилди.

Оммавийликка хизмат қилувчи мусобақалар қизиқарли тус олди. Шоҳмот ўйинларида шаҳар болалар ижодиёт уйи тўгараги раҳбари Жасур Мажидов энг кучли эканлигини исботлади. Кейинги ўринлар Зуфар Носиров ҳамда Баҳодир Тўраевларга насиб этди.

Кросс –югуриш мусобақалари ёш тоифаларига бўлинган ҳолда ўтказилди. 18 ёшдан 28 ёшгача бўлган қатнашчилар ўртасидаги югуриш беллашувларида ғолиблик Иван Морозовга насиб этди. Кейинги ўринларни Руслан Кулиев ва Сайфитдин Абдуқаюмовлар эгаллашди. 29 ёшдан юқори ҳаваскорлар ўртасида кечган баҳсларда Аъзам Алиев, Нодир Мамаюсупов, Юрий Филатовлар маррага биринчи бўлиб етиб келдилар.



Мусобақаларда ёшлар билан бир сафда меҳнат фахрийларининг ҳам иштирок этгани қувонарли бўлди. Айниқса, шоҳмот баҳсларида қатнашган меҳнат фахрийлари Феликс Прудников, Одил Сиддиқхўжаев, Анатолий Мельников, Ўткир Каримбоевларнинг ўйини ёшларга ибрат бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар мусобақа ташкилотчилари ҳамда касаба уюшма қўмитаси томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Нусрат ИСҲОҚОВ,**
**«COSCOM» компанияси бош мутахассиси, касаба уюшма қўмитаси раиси**

Фанимиз фидойилари

***Қомусий олим – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, фалсафа фанлари доктори, профессор Омонулла Файзуллаев узоқ йиллардан буён фалсафа ва фан методологияси масалалари бўйича самарали меҳнат қилаётган фидойи устоз ҳисобланади.***

# ҚАЛБЛАРГА НУР УЛАШГАН АЛЛОМА

Таъкидлаш жоиз, фалсафа илми ҳамма фанларга дахлдор. Фанни тасаввур қилиш мақсадида уни доира шаклида ифодалашимиз мумкин. У ҳолда доирани уч сектордан иборат десак, улар: табиат, техника ва ижтимоий-гуманитар фанлардир. Хўш, фалсафа фани уларнинг қай бири таркибига киради? Учалавига ҳам! Шунинг учун фалсафа фани, аниқроғи, унинг ўзаги бўлиб ҳисобланадиган диалектика илми мана шу доиранинг қоқ марказида ўрин олган бўлиб, бутун атрофга методологик нур чиқариб туради. Мана шу фалсафий диалектика нафақат барча фанлар жараёнларида иштирок этади, балки одам ва жамиятнинг амалий ҳаётида, хатти-ҳаракатида, ҳаёли ва ўйида ҳаммавақт ҳозиру нозир.

Фалсафанинг ўзи нима? Одатда "фалсафа – бу табиат, жамият ва тафаккур ҳақидаги умумий қонуният фани" дейилади. Бу – тўғри. Ундоқ бўлса, ҳар бир файласуфнинг ижоди илгари ҳам, ҳозир ҳам мана шу уч соҳани қамраб оладими? Йўқ, ҳаммаси эмас, фақат баъзилари! Конфуций, Демокрит, Сократ, Аристотель, Форобий, Кант, Декарт, Гегель каби олимлар, дарҳақиқат, умумфалсафа билан шуғулланишган. Платон, Ибн Сино, Беруний, Навоий, Леонардо да Винчи, Ньютон, Даламбер, Рассель, Ницше, Эйнштейн, Поппер каби олимлар фалсафа илмининг алоҳида, муаммолари билан қизиққанлар. Шунингдек, Соловьев, Бердяев, Иброҳим Мўминов ва Булгаков, асосан, ижтимоий фалсафа соҳасида ижод қилганлар.

Хўш, Омонулла Файзуллаев йўналишларини ҳам қуйидагича тақсимласак, яъни унинг диалектика, онтология ва гносеология ривожига; табиатшуносликнинг фалсафий методологияси муаммоларига; фалсафа ва фанлар тарихи масалалари ҳамда ижтимоий фалсафа ва илмий публицистикага қўшган ҳиссаси кўз ўнгимизда гавдаланади.

Дарвоқе, алломанинг 70 га яқин монография, дарслик, қўлланма, китоб, рисола, 500 дан ортиқ назарий-илмий мақолалари чоп этилган. Нафақат Марказий Осиё, МДҲ, балки дунёнинг 30 га яқин мамлакатида Омонулла Файзуллаев усули-услуби, айниқса табиатшуносликнинг фалсафий методологиясида ёрқин акс этганини эътироф этиш керак.

Алломанинг ҳаёт йўли ҳам ибратли. О.Файзуллаев 1921 йил 5 апрель куни Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасида зиёлилар оиласида таваллуд топган. 1937 йил Ўрта Осиё университетининг физика-математика факультетига ўқишга киради. 1942 йилнинг бошида фронтга кетиб, 1945 йилгача Иккинчи жаҳон урушида қатнашади. Шундан сўнг, у ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда университетдаги таҳсилини давом эттириб, 1949 йили ўқишини битиради. 1945 – 1949 йиллар оралиғида О.Файзуллаев "Қизил Ўзбекистон" (Ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетасида адабий ходим, бўлим мудири, Ўзбекистон "Билим" жамиятида бош муҳаррир, 1952-1957 йиллари Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти назарий механика кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлаган. Олим бу даврга келиб табиий-илмий ва техникавий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий-методологик билимларга эга мутахассис сифатида жамоатчиликка танилди. Бундай серқирра билим соҳибига Республика илмий-техника информацион институтига раҳбарлик қилиш вазифаси топширилади. 1957-1959 йиллари уни бу марказнинг директори сифатида Республика илмий-техника адабиётлари кутубхонасини ташкил этишга, бир қанча илмий журналларни ("Шелк", "Янги техника") вужудга келтиришга ўз ҳиссасини қўшган. 1959 йилдан то бугунги кунгача Ўзбекистон ФА фалсафа ва ҳуқуқ институтида бўлим мудири, етакчи илмий ходим сифатида ишлаб келмоқда. О.Файзуллаев 1973 йили фалсафа фанлари доктори илмий даражасини, 1977 йили профессор илмий унвонини олган.

Олимнинг фан соҳасидаги самарали ва сермашаққат меҳнати халқимиз ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. 1981 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби ва Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган. Шунингдек, "Дўстлик" ордени, "Жасорат" медали билан тақдирланган.

Фақат тинимсиз, самарали меҳнат қилиш, фанимизнинг ўнга яқин йўналишида жиддий изланишлар олиб бориш, ижодий меҳнатдан завқланиш – домлага 85 ёшда ҳам соғлом тан, чуқур тафаккур бахш этди.

**Карим НОРМАТОВ,**
**профессор**

*Омонулла Файзуллаев бутун умрини илмнинг хилма-хил йўналишларини ўрганиш ва тадқиқ қилишга бағишламоқда. У фан ва халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича кўпдан-кўп иқтидорли кадрларни тарбиялади, улар фан оламида таниқли олимлар бўлиб етишди.*

*Муҳтарам аллома эса Ўзбекистонда фаншунослик оқсақолига айланди. Бетакрор аҳлу идрок эгаси, ўзининг фалсафий мушоҳадалари ва мубоҳасалари билан илму тафаккурда комиллик излаб келаётган Омонулла Файзуллаев ҳаёти авлодлар учун намуна, ибрат бўла олади.*

**Восил Қобулов,**
**Саид Шермуҳамедов,**
**академиклар**

*Аллома даражасига кўтарилиш – бу беғаразлик, беозорлик, фанлар ривожига ўзининг муносиб мустақил ҳиссасини қўшиш, ўз ўзанига эга бўлиш, ўнлаб, юзлаб шогирдлар етиштиришдир. Бу жиҳатдан ҳозирги ўзбек фанида муайян даражада устоз Омонулла акага етадиган, беллашадигани борми, бор бўлса бордир, бироқ алломанинг фалсафа, математика, физика, тарих, астрономия соҳаларида яратган илмий меросига, унинг мезонига разм солиб, бақувват шогирдлари, сафдошларини ўйлаб, унга бирор олимни (ҳозирги пайтда) менгзата олмадим.*

**Рустам Рўзиев,**
**юридик фанлари доктори**



Спорт оламида

*Футбол*

## ТУМАНЛИ ЎЛКАНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ФУТБОЛЧИСИ



«Ливерпул» жамоасининг сардори Стивен Жеррард Англия профессионал футболчилар уюшмаси томонидан йилнинг энг кучли футболчиси, деб эътироф этилди. Бу унвон йўлида у «Челси» жамоаси футболчилари Жон Терри, Фрэнк Лэмпард, Жо Коул ҳамда Уэйн Руни, Тьерри Анриларни ортда қолдирган.

- Тўғрисини айтсам, мен бундан карахт бўлиб қолдим, - дейди футболчи. - Фахрланса арзийдиган ҳолат. Чунки менга рақиблик қилган беш нафар футболчининг ҳаммаси ўта иқтидорли йигитлардир. Ушбу унвонни қўлга киритган жами футболчилар руйхатини кўриб чиқдим: қанчадан қанча машҳур номлар... Ушбу руйхатдан жой олганимдан жуда ҳам хурсандман.

Ўтган ҳафтанинг дам олиш кунларида ўтказилган Англия Кубогининг ярим финалида «мерсисайдликлар» мамлакатнинг амалдаги чемпиони «Челси» жамоаси устидан зафар қучдилар ва финалда ўйнаш имконига эга бўлдилар. Жеррарднинг таъкидлашича, бу унинг ҳаётидаги энг яхши ҳафта бўлган ва мамлакат Кубогининг финалига чиқиш ҳамда нуфузли мукофотни қўлга киритиш катта аҳамиятга эга.

## ҲАСАН ШОШГА ҲУЖУМ ҚИЛИШДИ

Ҳа, «миллионлар ўйини»да шундай ҳодисалар ҳам бўлиб туради. Туркия терма жамоаси ҳамда «Галтасарой» клуби ярим ҳимоячиси Ҳасан Шошга кутилмаганда куппа-кундуз куни ҳужум қилишди. У «Фенербахче» жамоаси билан ўйиндан сўнг ечиниш хонасига қайтаётганда ўйингоҳ хавфсизлик хизмати ходими томонидан ҳужумга тутилди.

Ўз жамоасининг мағлубиятига чидай олмаган хизматчи Шукур Сирожўғли футболчининг юзига мушт туширган. Яхшиямки, унинг жонига яқиндаги полиция ҳамда жамоадошлари оро кирди. Акс ҳолда, бу воқеа катта жанжал билан тугаши мумкин эди.

Бир вақтлар, яъни, 2002 йилги жаҳон чемпионатида Бразилия терма жамоаси дарбозасига тўп йўллаган футболчи ўз ватанида қаҳрамонга айланган пайтда бугунги тўпалончи хизматчи ҳам унга мухлислик қилган бўлса ажаб эмас.

*Бокс*

## КЛИЧКО МУҲИМ ҒАЛАБАГА ЭРИШДИ



Ака-ука Кличколарнинг кичиги Владимир ҳаётидаги энг муҳим ғалабага эришди. IBF камари учун Крис Бёрдга қарши рингга чиққан боксчи ушбу жангда ғалаба қозона олмаса, боксчилик фаолиятини якунлаши лозим бўларди.

Хайриятки, омад бу сафар украиналик боксчидан юз ўгирмади. Владимир жангни техник накаут билан якунлади. Энди у дунё бокс оламининг юқори табақа вакиллари орасида ғолиблик учун даъвогарлик қилиши мумкин.

*Теннис*

## НАДАЛГА ОСОН БЎЛМАДИ



Франциянинг Монте-Карло шаҳрида ниҳоясига етган нуфузли турнирда испаниялик Рафаэл Надаль швейцариялик теннис устаси Роже Федерерни мағлубиятга учратди.

Бу ғалаба унга осонликча насиб қилмади. Қарийб тўрт соат давом этган беллашувда у қанча тер тўкканини кўрган мухлислар теннисчини олқишлар билан кузатиб қолдилар. Испаниялик 19 ёшли юлдуз ўтган йили ҳам худди шу кортда амалдаги чемпион аргентиналик Гильермони шармандали мағлубиятга учратганди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

## ЯНГИ КИТОБ ДЎКОНИ

Пойтахтимиздаги «Шарқ зиёкори» очиқ турдаги акционерлик жамияти томонидан савдога чиқарилаётган китоб ва бошқа матбаа маҳсулотлари нафақат Тошкентда, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам харидорлар эътиборини тортиб келмоқда. Айниқса, мумтоз адабиётимиз намояндалари ҳамда замондош ёзувчи ва шоирларимизнинг асарлари, жаҳон адабиёти дурдоналари, шунингдек, тарих, фалсафа ва тиббиёт соҳасига оид китоблар катта қизиқиш билан мутолаа қилинаётир.

Кейинги пайтда Термиз шаҳрида юртимизда чоп этилаётган янги китоблар ва уларни харид қилиш мумкин бўлган савдо дўконлари камайиб кетган эди. Шаҳар ҳокимлиги аҳолининг ана шундай эҳтиёжини қондириш мақсадида хайрли ишга қўл урди. Анча эскириб қолган икки қаватли «Китоблар уйи» замон талаблари асосида қайта таъмирланди.

Янги бинода «Шарқ зиёкори»нинг Термиз филиали иш бошлади. Энди сурхондарёликлар янги китоблардан ўз вақтида баҳраманд бўлишади. Мазкур марказда биринчи куниёқ 30 миллион сўмлик турли бадиий ва илмий адабиётлар, ўқув қуроллари ва бошқа маҳсулотлар сотувга қўйилди.

***Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва унинг таркибий қисми бўлган 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури фикримизнинг ёрқин исботи бўла олади.***

# ЎҚИТУВЧИ – ҚАЛБ МЕЪМОРИ
## ёш авлодни вояга етказишда унинг ўрни беқиёс

Ушбу ҳужжатларда таълим-тарбия жараёнини тубдан ислоҳ қилиш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга изчиллик билан босқичма-босқич жорий этиш, мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер ва методик адабиётлар билан таъминлаш, педагог кадрлар малакаси, болалар спортини ривожлантириш масалаларига кенг ўрин ажратилган.

Бу — биз халқ таълими ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Айни пайтда туманимизда 11 мингдан зиёд ўқувчи-ёшлар таълим-тарбия олишмоқда. 735 нафар педагог уларга сабоқ беришаётир. Мавжуд 19 та умумий ўрта таълим мактабининг 5 таси капитал реконструкция қилиниши, 11 таси капитал ва 3 таси жорий таъмирланиши режалаштирилган бўлиб, бу ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

Жорий йилда 1 та реконструкция, 2 та капитал таъмирланадиган мактаблар умуммиллий дастурга киритилиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишларни бажариш учун 317 миллион 200 минг сўмлик маблағ ажратилган. "Мерос" ва "Моҳинур" фирмалари қурувчилари амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда олиб борилаётир. Улар шу кунгача мазкур объектларда 45-70 фоиз миқдорида қурилиш ишларини бажариб қўйишди.

Тумандаги 4,7,8,-9,11,16-мактаблар ҳамда туман ихтисослаштирилган мактаб-интернати замонавий компьютер ускуналари ва ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

Мактабларда болалар спортини ривожлантириш, мавжуд спорт базасини мустаҳкамлаш умуммиллий дастурида кўзда тутилган беш асосий йўналишнинг биридир. Шу мақсадда ўтган йили Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан маблағ ажратилиб, мавжуд спорт заллари таъмирланди. 16-мактабда қўшимча 9x18 метр ўлчамдаги янги спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Спорт зали қурилишига жамғарма томонидан 74 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шу жамғарма ҳисобидан 7 миллион сўмдан зиёд спорт жиҳозлари олинди.

Болалар спортига берилаётган эътибор натижасида ҳозирда 71 та спорт тўгаракларида 1753 нафар ўқувчи-ёшлар шуғулланишмоқда. 5,6-мактаблар базасида спорт-соғломлаштириш мажмуаси бунёд этилиб, спортнинг футбол, волейбол, енгил атлетика, қўл тўпи, теннис турлари бўйича машғулотлар олиб борилаяпти. Шунингдек, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда 8 та спорт тури бўйича мавжуд 27 та тўгаракда минг нафар ёшлар машғулотлар ўтказишаётир. Уларга 27 нафар малакали мутахассислар спорт сирларидан сабоқ беришмоқда. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", жисмоний тарбия ўқитувчиси Турғун Қосимов, ўқитувчи-спорт усталари Пўлат Суюнов, Юнус Лупов, Шерали Мажидов, Абдимутал Ҳусанов, Равшан Муҳиддиновларнинг номларини фахр билан тилга олиш мумкин. Уларнинг ўнлаб шогирдлари "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг республика босқичига йўлланма олишди. Ҳар йили ўқувчи-ёшлар ўртасида "Алпомиш ва Барчиной", "Соғломжон-полвонжон" спорт мусобақаларини ўтказиб келаяпмиз. Туманимизда турли миллат ва элат вакиллари яшаб, меҳнат қилишади. Уларнинг фарзандларига пухта таълим-тарбия бериш, миллий истиқлол ғояларини кенг тарғиб қилиш биз, педагог ходимларнинг биринчи даражали бурчимиздир. Биттадан қозоқ, қирғиз, рус мактаблари фаолият олиб бормоқда. Мактаб ўқувчилари тегишли ўқув дастурлари ва дарсликлари билан таъминланган.

Битирувчи синф ўқувчиларини касб-ҳунар коллежларига жалб этиш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Коллежларда ташкил этилаётган "Очиқ эшиклар" кунига битирувчилар иштирокини таъминлаш, экскурсиялар ташкил этиш анъанага айланган.

Ўқитувчи — қалб меъмори. Ёш авлодни вояга етказишда унинг ўрни беқиёс. Президентимиз Фармонига биноан халқ таълими ходимларининг ойлик маошлари оширилганлиги айни муддао бўлди. Фармон ва қарор ижросини таъминлаш мақсадида таълим муассасалари қошида махсус комиссиялар тузилди. Комиссиялар қарори асосида туманда фаолият кўрсатаётган 735 нафар ўқитувчининг 362 нафарига, яъни 50 фоизига устама ҳақлар бериб келинмоқда. Уларга тўланадиган маблағнинг бир ойлик миқдори 5964 минг сўмни ташкил этаяпти.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман вакиллиги билан ҳамкорлик ўз самарасини бераётир. Вакиллик ҳомийлигида турли тадбирлар ўтказиляпти. Педагог-ходимларга сиҳатгоҳларда даволанишлари учун имтиёзли йўлланмалар ажратилмоқда. Бундай ғамхўрлик ўқитувчи-мураббийларимиз кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда.



**Мавлон КАМОЛОВ,**
**Дўстлик туман халқ таълими бўлими мудири**

Мамлакат чемпионати

# «БУХОРО»-КУЧЛИ ОЛТИЛИКДА

Мухлислар яхши эслашади: Усмон Тошев футболчи сифатида фаолият юритган чоғларида ҳам ўзига хос хатти-ҳаракатлари билан назарга тушган эди. Неча йилки у «Бухоро» жамоасини бошқариб келаяпти. Очиғи, ҳар мавсумда ушбу командадан нимадир фавқулодда ўзгариш кутамиз, лекин нотекис натижалар охир-оқибат барча умидларни чиппакка чиқаради.

Чамаси, бу йил ҳам Усмон Тошев ва унинг шогирдлари ўз мухлисларини «юрак ўйноғи» қиладиган кўринади. Бир қарасанг — мағлубият, бир қарасанг — ғалаба. Олдиндан башорат қилишга ҳам қўрқасан киши. Тўғриси, еттинчи турда «Бухоро» ўз майдонида «Нефтчи» билан учрашишини билиб туриб ҳам унинг муваффақиятига ишонганлардан кўра ишонмаганлар кўпроқ эди, десак муболаға эмас. Аммо, буни қарангки, футболчилар ирода намойиш этиб, шинавандалар кўнглига чироқ ёқа билишди. 2:0 ҳисоби «Бухоро»ни турнир жадвалининг олтинчи поғонасига кўтарилиб олишига имкон яратди.

Аслида гап уч очкода ҳам эмас. Эътиборни тортган жиҳат шуки, «Нефтчи» унча-мунча рақибга осонликча таслим бўладиган хилидан эмас. Лекин шу куни «Бухоро» бунинг уддасидан чиқа билди. Қани кўрамиз, келгуси турда «Трактор» билан баҳсда Усмон Тошев шогирдлари қандай натижани қайд этаркин? Ҳар ҳолда ушбу ўйин кўп нарсага ойдинлик киритади.

Дарвоқе, «Трактор» еттинчи турда «Хоразм» меҳмони бўлди. Майдон эгалари гарчанд Вадим Абрамов шогирдларига вақти-вақти билан муносиб қаршилик кўрсатган эсалар-да, ғалаба қозониш учун ўзларида на куч, на маҳорат топа олдилар. 1:3 ҳисоби пойтахтликларга уч очко келтирди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Пахтакор»-«Сўғдиёна» — 4:0, «Андижон»-«Шўртан» — 1:1, «Машъал»-«Металлург» — 2:1, «Навбаҳор»-«Самарқанд-Д» — 0:0, «Насаф»-«Локомотив» — 5:1.

Еттинчи тур билан саккизинчи тур ўртасида пича танаффус бўлади. Бу Осиё чемпионлар лигаси ўйинлари билан боғлиқ. Мухлислар 26 апрел ва 3 май кунлари «Пахтакор» ва «Машъал» жамоалари иштирокидаги учрашувлар гувоҳига айланишади.

**Турнир жадвали**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Пахтакор» | 6 | 6 | 0 | 0 | 18-0 | 18 |
| 2. «Машъал» | 6 | 5 | 1 | 0 | 13-3 | 16 |
| 3. «Насаф» | 6 | 4 | 1 | 1 | 12-6 | 13 |
| 4. «Трактор» | 6 | 4 | 0 | 2 | 9-9 | 12 |
| 5. «Нефтчи» | 6 | 3 | 1 | 2 | 9-8 | 10 |
| 6.«Бухоро» | 6 | 3 | 0 | 3 | 9-6 | 9 |
| 7. «Навбаҳор» | 6 | 2 | 2 | 2 | 7-6 | 8 |
| 8. «Тўполанг» | 5 | 2 | 2 | 1 | 6-6 | 8 |
| 9.«Самарқанд-Д» | 6 | 2 | 1 | 3 | 3-9 | 7 |
| 10.«Локомотив» | 6 | 2 | 1 | 3 | 6-14 | 7 |
| 11.«Андижон» | 6 | 1 | 2 | 3 | 8-7 | 5 |
| 12. «Металлург» | 6 | 1 | 2 | 3 | 8-8 | 5 |
| 13. «Қизилқум» | 5 | 1 | 2 | 2 | 7-9 | 5 |
| 14.«Шўртан» | 6 | 1 | 2 | 3 | 3-7 | 5 |
| 15.«Сўғдиёна» | 6 | 0 | 2 | 4 | 0-9 | 2 |
| 16.«Хоразм» | 6 | 0 | 1 | 5 | 3-15 | 1 |

***Эслатма: «Қизилқум» ва «Тўполанг» жамоалари ўртасидаги ўйин кеча бўлиб ўтди.***

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси Хива туман кенгаши раиси Исмоил Давлатовга синглиси **Ойбиби ХУДАЙБЕРГАНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 28 апрел куни чиқади

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 15408 Буюртма Г— 614

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.50

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.